



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 212 (11.773)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов  
2 ноябрь куни Оқсаройда Эстония Республикаси Бош  
вазирлари Андрус Ансипни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-Эстония муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

— Биз Эстонияга изчил равишда топаётган, хусусан, бугунги кунда инфратузилмаси, транзит, транспорт соҳасидаги имкониятлари ривожланган давлат сифатида қараймиз, — деди Ислон Каримов. — Мамлакатларимизда икки томонлама муносабатларни ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш йўлида мавжуд имкониятлардан фойдаланиш учун барча асослар бор.

Эстония Республикаси Бош вазирлари Андрус Ансип самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Эстония мамлакатимиз билан сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан гоҳат манфаатдор эканини таъкидлади.

— Ушбу ташриф Эстония Бош вазирининг Ўзбекистонга илк ташрифи бўлиб, ундан асосий мақсад — минтақанинг етакчи давлати сифатида эътироф этилган Ўзбекистон билан муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришдан иборат, — деди Андрус Ансип. — Президент Жаҳноблари, Сиз тўғри таъкидлаганингиздек, кенг қўламли ҳамкорлигимиз учун барча зарур шарт-шароит мавжуд.

Эстония Республикаси Бош вазирлари Андрус Ансипнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 2 ноябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Эстония ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Эстония Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Форумда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, банк-молия, автомобилсозлик, қурилиш, геология, озиқ-овқат, кимё, энгил саноат, тўқимачилик, кўнчилик, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, ахборот технологиялари ва сайёҳлик соҳалари учун маъсул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлари Ш.Мирзиёев ушбу форум мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Эстониянинг савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзбекистонда Эстония сармояси иштирокида тузилган қатор қўшма корхоналар, ушбу мамлакат етакчи фирмалари ва компанияларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар электротехника, саноат технологиялари ва дастурий воситалар ишлаб чиқаришга, кимё, хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган.

Форумда эстониялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, қончилик, сайёҳлик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар

юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг имкониятлари билан танишди.

— Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдоримиз, — деди Андрус Ансип. — Ўзбекистон ҳам, Эстония ҳам изчил ривожланиб бораётган мамлакатлардир. Ўзаро ҳамкорликни тараққий эттириш борасида икки мамлакат ҳам кенг имкониятларга эга.

Бизнес-форумда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, транспорт ва логистика, банк сектори, ахборот-коммуникация технологиялари, саноат, сайёҳлик, озиқ-овқат, кимё, энгил саноат, кимё саноати ва юк ташуви соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Эстония фирмалари ва компанияларининг мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

— Таллин бандаргоҳи — Болтик денгизидagi йирик сув дарвозаларидан биридир, — деди Таллин порти бошқаруви раиси Айн Кальюранд. — Компаниямиз Ўзбекистонлик ишбилармонларга жаҳон бозорига тез ва осон чиқиш учун юқори сифатли хизматни тақдим қилаётган.

Анжуманда Эстониянинг қатор йирик компанияларидан қўлаб вакиллари иштирок этди. Хусусан, «Согро» (жамоатчилик билан алоқалар), «Eesti Energia» (энергетика), «Real Systems» (ахборот технологиялари), «Savi» (қурилиш), «Port of Tallinn» (юк ташуви) каби компаниялар вакиллари Ўзбекистонда ўз фао-

лиятини йўлга қўйиш ниятида эканлигини маълум қилди.

— Биз ёнвучи сланецлардан синтетик нефть ишлаб чиқарамиз, — деди «Eesti Energia» компанияси бошқаруви раиси Сандор Лииве. — Ўзбекистонда бундай тоғ жинсларининг захираси катта. Ушбу йўналишда узок муддатли ҳамкорлик ўрнатилиши режалаштирилмоқда.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Эстония ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржа ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган бир қатор товарларни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Шу кун Эстония Бош вазирлари «Uztext Tashkent» Ўзбекистон-Швейцария-Буюк Британия қўшма корхонаси фаолияти билан танишди. Меҳмон мамлакатимизда тўқимачилик саноати изчил ривожланиб бораётганини қайд этди.

Андрус Ансип Тошкентдаги Турин политехника университетига ташриф буюрди. Бу ерда машинасозлик, энергетика, меъморлик ва саноат дизайни, саноатда ахборот технологиялари ва автоматик бошқарув тизими каби факультетлар фаолият кўрсатади. Эстония Бош вазирлари университетдаги ўқув тизимига, талабаларнинг пухта билим олиши учун яратилган шарт-шароитга юксак баҳо берди.

Меҳмон Темирийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида хикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирди.

(ЎЗА)

## ПОЙТАХТНИНГ

### БИР КУНИ



Ислохотлар оқимида

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА

Бозор иқтисодиётида сифат тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Айнан сифат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминловчи омилдир.

2007 йилда фаолият бошлаган «National plast» қўшма корхонаси сифатли маҳсулотлари билан нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам танилиб улгурган.

Корхонада «Аква» савдо белгиси остида эшик ва деразалар учун пластик профиллар ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда корхонада 16 та линияда ҳар ойда икки минг тонна маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

— Кейинги вақтда, айниқса Швейцария, Австрия, Германия давлатларидан келтирилган сўнги русумдаги технологиялар асосида тайёрланган 3,4,5 камерали эшик-ромларга талаб катта бўлмоқда, — дейди корхона бош технологи Дониёр Умрзоқов. — Республикаимизнинг барча вилоят ва шаҳарларида корхонанинг қирқдан ортиқ филиаллари очилган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, маҳсулотларимизнинг тенг ярми

Россия, Афғонистон, Туркменистон, Қирғизистонга экспорт қилинмоқда.

Корхона ўз маҳсулотлари билан республикаимизда ҳамда хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазмаларда қатнашиб келмоқда. Шу тариқа шартномалар тузилиб, харидорлар сафи кўпайишига эришилаётган. Ишчи-хизматчилар малакаси бобига кўпроқ германиялик мутахассислар билан тажриба алмашилади. Жорий йилда корхона ИСО-9001 халқаро сертификатига эга бўлди. Маҳсулотлар маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилаётгани боис корхонада анча-мунча маблағни тежашга эришилмоқда. Бу дегани маҳсулот ҳажмини янада ошириш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ва албатта, ишчи-хизматчилар учун шароитларни янада яхшилаш учун катта имкониятдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

## Кўргазмалар

### ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИЛИШИ КУТИЛМОҚДА

ЭРТАГА пойтахтимизда «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари-САТМЕ» ҳамда «Текстиль ва мода» халқаро кўргазмалари бир вақтнинг ўзида иш бошлайди. Шу муносабат билан кеча матбуот анжумани ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «САТМЕ» бутун дунёга танилган тўқимачилик машиналари ишлаб чиқарувчилари ярмаркаси ҳисобланади. Мазкур бренд тўқимачилик машинасозлиги йўналишида ўтказиладиган халқаро кўргазмалар тақвимида муносиб жой эгаллаган. Тошкентда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган САТМЕ кўргазмасининг бу йилги бирлашган экспозициясида Франция, Германия, Туркия, Ҳиндистон, Италия, Австралия, Бельгия, Россия, Покистон, Англия, Япония, Жанубий Корея, Ўзбекистон — дунёнинг 16 та мамлакатидан 200 га яқин компания иштирок этиши кутилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғонада вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг 9 ойи мобайнида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда галдаги вазифалар атрофида таҳлил этилди.

● 2011 йилда Қашқадарё вилоятида такомиллаштирилган лойиҳалар асосида 805 та яқка тартибдаги уй-жой бунёд этиш кўзда тутилган. Ҳар томонлама қулай бу уйлارнинг қурилиши барча туманларда — умумий майдони 83 гектарга тенг 31 мавзеда амалга оширилади. Бу жойларга зарур муҳандислик ва транспорт коммуникациялари ўтказилади. Жумладан, 19,75 км табиий газ, 18,3 км электр тармоқлари, 32,6 км ичимлик суви қувурлари ўтказилади, шунингдек 15,2 км ички йўللар барпо этилади.

● Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «Дилрабо СДА» хусусий корхонаси тўқимачилик маҳсулотлари ўзининг рақобатбардошлиги билан ички бозорда харидорларини топмоқда.

● Қарши давлат университетиде талаба-ёшлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари: мулоҳаза, муносабат ва таҳлил» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра «Умид» кичик корхонаси учун Хитой Халқ Республикасидан 300 миллион сўмлик замонавий технология келтирилди.

● Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги «Ўртақўрғон» маҳалласида янги сув иншооти барпо этилди.

## ЖАҲОНДА

● Германияда уч ёшгача бўлган болаларга мўлжаллаб ишлаб чиқарилган ўйинчоқларнинг 80 фоизи фойдаланишга яроқсиз. «Warentest» фонди мутахассислари махсус текширув ўтказиб, шундай хулосага келди.

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ҳиндистонда безгак туфайли вафот этаётганлар сонини 13 баравар камайтириб кўрсатмоқда. Бу ҳақда канадалик олимларнинг тадқиқотларига асосланиб «The Independent» хабар тарқатди.

● Сўнги тўрт йилда Молдавиядаги вино ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 40 фоизи банкрот бўлган.

● Жаҳон бўйича қаҳва нархининг ошиши кутилмоқда, дейлади «Финмаркет» хабариде. Сабаби — шу кунларда Ҳиндистонда кузатилаётган тинимсиз ёмғир туфайли ушбу маҳсулотни етказиш тўхтаб қолган. Уни етиштирувчи мамлакатлардан бири Вьетнамда эса ҳосил миқдори камайиб кетган.

● Россиянинг «Прогресс-М08» юк кемаси халқаро фазо станциясига муваффақиятли туташтирилди. Бу ҳақда «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

● Перу пойтахти Лима шаҳри яқинида олиб борилган қазилмаларда олимлар тўртта мўмиёланган жасадга дуч келди. Текширувлар натижасида аён бўлдики, улар тахминан 1600 йил муқаддам кўмилган.

● Америкаликлар Хитойни ўз валютаси курсини атайин пасайтиришда, расмий Пекин эса Вашингтонни бутун дунё бозорини доллар билан тўлдириб ташлашда айбламоқда. Шу билан бирга Европа мамлакатлари евро курси кўтарилиб кетаётганидан хавотирга тушмоқда.

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ БУГУН Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетиде «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида ўтказилган иншоолар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

✓ БЕКТЕМИР тумани тиббиёт бирлашмасининг кенгайтирилган мажлисида жорий йил тўққиз ой давомида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

✓ ТОШКЕНТ темир йўллари муҳандислари институтиде «устоз-шогирд» тизимини такомиллаштириш дастури доирасида ЭРТАГА «Зиё» фестивали лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтади.

Ўзбекистон саноатчиларининг мазкур анъанавий форуми Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинмоқда. Мазкур тадбирларни ўтказишдан мақсад – иқтисодий реал сектори корхоналарининг зарур хомашё ва кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ички тармоқ ва тармоқларо кооперация асосида узоқ муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун бозор инфратузилмасини яратишга қўмаклашишдан иборат.

Ярмарка ва биржада мамлакатимиз саноати асосий тармоқларининг улкан салоҳияти ва имкониятлари, ишлаб чиқаришдаги янгиликлар ва 2011 йилда ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулотлар намойиш этилди. Унда минерал-хомашё ресурсларини геологик кидириш, қайта ишлаш, илм-талаб технологиялар, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электр техника, кимё, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари, матбаа, транспорт ва транспорт машинасозлиги каби саноатимизнинг етакчи тармоқлари ва корхоналари ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш секторлари бўйича кенг миқёсда тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармонида халқаро кооперацияни ривожлантириш зарурлиги белгиланган. Шу боис тўртинчи марта ўтказилган

## САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИОН БИРЖА ЯКУНЛАРИ

### Тошкентда IV Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ниҳоясига етди.

ган ярмарка ва биржа халқаро мақомага эга бўлди. Уларда Германия, Италия, Буюк Британия, Латвия, Жанубий Корея, Хитой, Польша, Россия, Туркия каби дунёнинг 51 мамлакатидан фирма ва компанияларнинг 650 нафардан ортиқ вакили иштирок этди. «Ўзэкспомарказ» павильон ва стендларида мамлакатимизнинг етти юздан ортиқ корхона ва компанияси турли хил маҳсулот ҳамда хизматларни бўлажак харидорлар эътиборига ҳавола қилди.

Бу ерга ташриф буюрганлар корхона ва ташкилотлар стендларида айни пайтда четдан келтирилган маҳсулотлар, шунингдек, маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни технологик модернизация қилиш ва кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш нуктаи назаридан маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар билан танишиш имконига эга бўлди.

Саноатчилар форуми доирасида ўтказилган тармоқлар ва корхоналарнинг тақдирот маросимларида, деб хабар беради ЎЗА, уларнинг техник ҳамда технологик имкониятлари кенг намойиш этилди. Улар ярмарка ва биржа қатнашчиларига ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида

мавжуд алоқаларни кенгайтириш ва янгиликларни ўрнатишга хизмат қилди. Материаллар, ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги бутловчи ҳамда тайёр буюмларни етказиб бериш ёки харид қилиш бўйича шартномалар тузилди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари буюмлар, қайта ишланган хомашё ва материалларни қўшимча тендерлар ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш асосида харид қилиш имконига эга бўлди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа икки босқичда ўтказилди: биринчи босқичда тармоқлар кўргазма ҳамда ярмаркалари, иккинчи босқичда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа бўлиб ўтди. Амалиёт уларга қизиқиш тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда. 2009 йилда ярмарка ва биржада 386 хўжалик субъекти иштирок этган бўлса, бу йил уларнинг сони 700 дан ошди. Ўтган йили қиймати қарийб 2 триллион сўмлик шартномалар тузилган эди. Бу галги ярмаркада, дастлабки яқунларга кўра, кооперация алоқалари бўйича умумий қиймати 2,6 триллион сўмдан ортиқ шартномалар тузилган. Бундан ташқари, хорижий валюта-

даги шартномалар ҳам тузилди. Ярмарка ва биржада фаол иштирок этган хорижий фирма ва компаниялар вакиллари юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга етказиб бериш бўйича, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, қиймати 2,7 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ шартномалар имзоланган. Ўтган йили бу кўрсаткич 2,3 миллиард долларни ташкил қилган эди.

Барча тадбирлар мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, суғурта компаниялари, банклар, стандартлаштириш ҳамда сертификатлаш соҳасига ихтисослашган ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтди ва улар ўзларининг малакали маслаҳатларини берди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ҳамда тармоқлар кўргазмалари натижалари мамлакатимиз корхоналарининг саноат кооперацияси асосида фаолият кўрсатиш самарадорлиги ортиб бораётгани, саноатимизнинг асосий тармоқлари ва кичик бизнес вакилларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ўз маҳсулотларини етказиб бериш, техник имкониятларни ўрганиш, бозорда хариддорлар янги товар ва буюмларни ўзлаштириш бўйича мавжуд имкониятларни кенгайтираётганидан далолатдир. Хорижий шериклар билан инвестицион-иқтисодий ҳамкорлик катта истиқболга эга экани намоеён бўлди. Бундай серқирра, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Виктор НИКОЛАЕВ

## ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИЛИШИ КУТИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Хорижий компаниялар кўргазмага катта қизиқиш билан қараётгани республика: тўқимачилик корхоналари қўллаб хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилаётгани билан изоҳланади, — дейди «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бош бошқармаси бошлиғи Дилбар Мухамедова. — Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон замонавий технологик линияларни кенг жалб этиш борасида истиқболли имкониятлар бозори сифатида тан олинмоқда. Эътиборли томони, кейинги йилларда юртимиз: тўқимачилик тармоғида 1,3 миллиард АҚШ долларидан зиёд инвестиция ўзлаштирилди. Япония, АҚШ, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Туркия, Швейцария, Германия сингари давлатлар сармоядорлари иштирокида 100 дан кўпроқ корхоналар ташкил этилган. Бу галги тадбирда кўплаб янгиликлар кутилмоқда. Жумладан мато тўқитишдан тортиб, тайёр маҳсулот: қадар ягона тизимдаги ишлаб чиқариш қувватига эга тўқимачилик машиналари намойиш қилинади. Аввалги йилларда хорижликлар томонидан тақлиф этилган технологияларда мутлақо фарқ қилади. Демак, эртага ўз ишини бошлаётган тадбирда соҳа мутахассислари, тадбиркорлар учун янги-янги имкониятлар эшиги очилиши кутилмоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВ

## Иқтисодиёт

### ТАБИИЙ ЧАРМДАН ФОЙДАЛаниЛМОҚДА

**Табиий чармдан тайёрланаётган маҳсулотлар сифати, кўп йил хизмат қилиши ва албатта, замонавийлиги билан харидорларни жалб этади.**

Хусусий тадбиркор Бахтиёр Абдуллаев ҳақида мезонларни инобатга олган ҳолда икк нафар шоғирди билан табиий чармдан мс бил телефонлар учун турли ғилофлар тайёрламоқда.

— Юртимизда тадбиркорликка очилган кенг йўл мени ҳам мустақил фаолият бошлашга ундади, — дейди Бахтиёр Абдуллаев. — Бс зорни, харидор дид ва талабини ўрганиш асосида янги маҳсулот тайёрлашга киришдик. Б борада Россиядан келтирилган замонави дастгоҳдан унумли фойдаланишга ҳарака қилмоқдамиз. Маҳсулотнинг кўринишига, му стаҳкамлигига асосий эътибор қаратилади. Яқин орада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёшларни ишга жалб этиб, ҳунар сирларни ўргатишни режа қилганман.

Ҳозирда 40-50 хилдаги ғилоф харидорларга тақдим этилаётган бўлса, келгусида фир ма очишни ҳам ният қилган Бахтиёр Абду лаев чарм маҳсулотларига нақш тушириш кўринишини кўркамлаштириш устида излаш моқда.

## УСТОЗДАН ЎРГАНИБ

**Ҳунармандчиликда «Уста-шоғирд» мактаби кенг ривожланиб бормоқдаки, бу иқтидорли ёшларимизнинг маҳоратини намоён этишда, анъаналаримизни тарғиб қилган ҳолда ҳунар сирасорлар авлодлар оша давом этишида катта аҳамият касб этмоқда.**

Кашта устаси, бир қатор кўрик-танловла ва халқаро кўргазмалар совриндори Мадин Қосимбоева бугунги кунда шоғирдлари сафи ни кенгайтиришга астойдил киришган. Жул ладан, Мавлуда Раҳимова устозидан кашт: чиликнинг нозик жиҳатларини мукамма ўрганмоқда.

— Тиккан буюмларим билан «Ташаббу» кўрик-танловда, бошқа кўплаб кўргазмала да иштирок этганман, — дейди ёш ҳунарман. — Бунинг учун устозим Мадина Қосимбоев дан беҳад миннатдорман. Унинг раҳбарлиг да тиккан сўзана, палак, турли миллий ки им-кечакларга харидор кўпайиб бормоқд. Уларни тайёрлашда бўз, шойи, адрас, ипк матолар ва ранг-баранг табиий иплардан фо даланамиз. Завқли ва машаққатли меҳнатидан ҳамиша фахрланаман. Мақсадим мом мерос каштачилик ҳунари қирраларини ке гаитириш, санъат даражасидаги маҳсулотла тайёрлаш, халқ амалий ҳунармандчилиги р вожига муносиб ҳисса қўшишдир.

Республика «Тадбиркор аёл» уюшма қошидаги устaxonада меҳнат қилаётган Ма луда айни пайтда санъаткорлар учун ҳам ян турдаги либослар тикиш устида изланишл олиб бормоқда.

Шарофат БАҲРОМОВ

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда адлия идораларининг жорий йил тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишлари сарҳисоб этилиб, келгусида қилиниши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Мухиддинов бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида соҳанинг муҳим бўлини бўлган адлия идоралари фаолияти ҳам изчил ривожланиётгани таъкидланди. Жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хўжалик юри туви субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун ижодкорлиги каби йўналишларда самарали фаолият олиб борилаётди.

Адлия органларига мурожаат этаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш алоҳида эътиборда. Бу йўналишда йўл қўйилган айрим камчиликларни бартароф этиш мақсадида тегишли идора ва муассасаларга тақдимномалар киритиш институтидан самарали фойдаланилмоқда.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳамда юридик шахслар, хусусан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича ўтказилаётган текширишлар натижалари бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишда ҳам тақдимнома, огоҳнома ва кўрсатмалар киритиш яхши натижа бераётди. Қўрилаётган бу каби таъсир чоралари натижасида айбдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилмоқда. Ҳисобот даврида ноқонуний деб топилган мингдан ортиқ ҳужжатнинг

## Тўққиз ой ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

ижроси тўхтатилди ва бекор қилинди. Шунингдек, тақдимномалар асосида 19,6 миллиард сўм маблағ ўз эгаларига қайтарилди. Судларга киритилган 63 миллиард сўмлик 15 мингга яқин даъво аризасининг 89 фоизи қаноатлантирилди.

Шартномавий муносабатларни тартибга солишда ҳудудий адлия бошқармалари самарали фаолият юритаётди. Мазкур тизим ҳодимлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган 513 мингдан ортиқ шартнома тузилишида бевосита иштирок этгани иқтисодиётимизнинг муҳим таянчи бўлган фермерлар манфаатлари таъминлашида алоҳида ўрин тутди.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган тарғибот ишлари куцайтирилмоқда. Бунда оммавий ахборот воситалари имкониятидан унумли фойдаланилмоқда. Ўтган даврда бу йўналишда адлия органлари ва муассасалари томонидан мингга яқин ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди.


Йиғилишда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўплаб норма тив-ҳуқуқий ҳужжат лойи-

ҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилгани, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг иш юритувидаги ижро ҳужжатлари ижроси самарали таъминлаётгани қайд этилди. Ҳисобот даврида адлия органлари томонидан 224 юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилиб, янгидан ташкил этилди.

Ҳайъат йиғилишида, деб хабар беради ЎЗА, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, жойлардаги нотариат, ФХДЭ идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини янада кучайтириш, фуқароларнинг мурожаатларини тўлиқ қўриб чиқишини таъминлаш каби вазифалар юзасидан тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Н.АБДУРАИМОВА



Харидор диди ва эҳтиёжига кўра маҳсулот ишлаб чиқариб, ички бозорни таъминлашда тадбиркорларимизнинг изланишлари асос бўлмоқда. Бунёдкорликда кенг қўлланилаётган ранг-баранг ашёлар ҳам ўзимизда тайёрланаётгани айниқса, эътиборга лойиқдир.

## БУНЁДКОРЛИКДА КЕНГ ҚўЛЛАНИЛАДИ

«Fantex» хусусий корхонасида қуруқ қорималар, шпатлевка, кафель ёпиштириш жараёнида ораликларни тўлдиретишга мўлжалланган маҳсусларимиз тайёрланади.

Айиб ўтиш жоизки, тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги мазкур корхонада ҳам ривожланиш йўлидан дадил одимланишда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланилаётгани, мутахассисларнинг изланишлари катта аҳамият касб этмоқда. Жорий йилдан маҳсулот турлари яна биттага кўпайди, шунинг баробарида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, буюртмалар ҳам ортиб бораётди.

Корхона маҳсулотлари, шу жумладан янги маҳсулот бўлган пеноблок «Fantex» савдо белгиси билан ишлаб

чиқарилмоқда. Қурилиш ашёлари асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда, сифат сертификатига эга, экологик кўрсаткичлари ҳам талабларга тўла жавоб беради.

Замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган қурилиш ашёларини қаддоқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳозирда корхонада модернизация ишларини давом эттириш, янги техника ва технологияларни жорий этиш мақсад қилинган. Юртимизда қурилиш ишлари тобора авж олиб, замонавий бино ва иншоотлар қад ростлаётгани бунга ундамоқда. Маҳсулот сифати талаб даражасида бўлишига эришишда ишчи-хизматчиларга яратилган қулай шароитлар асос бўлаётди.

Муқаддас УМАРБЕКОВА  
Козим Ўлмасов олган сурат

## Қарор ва ижро

### МАҲСУЛОТ СИФАТИ ОШМОҚДА

Маълумки, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги унинг нархи, фойдаланиш сарф-ҳаражатлари, сервис, ишлаб чиқарувчининг обрў-эътибори каби қатор омиллар билан белгиланади. Бу борада тақлиф этилаётган товарнинг юқори сифати энг муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Халқаро таҳриба ва амалиёт шунини кўрсатадики, сертификатлаш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омиллардан биридир. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг турли соҳалари бўйича халқаро сифат сертификатига эга корхоналар сони йил сайин кўпаймоқда.

Ушбу рўйхатга Ўзбекистоннинг энергетика тармоғида фаолият кўрсатаётган яна иккита корхона — «Электроизолит» қўшма корхонаси ва «Электр

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда маҳсулотлар, хизматлар ва ишларга нисбатан мажбурий талаблар ҳамда уларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича самарали тизим яратилди.**

қишлоққурилиш» очик акциядорлик жамияти ҳам қўшилди. Уларга иссиқлик ўтказмайдиган, ўт ва кислотага чидамли материаллар, электр узатиш линияларининг пўлат конструкцияларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани учун ISO 9001:2009 халқаро сифат стандартларига мувофиқлик сертификати топширилди.

Мамлакатимиздаги йirik замонавий корхоналардан бири — «Электроизолит» қўшма корхонаси 15 бўлимга эга бўлиб, энергетика саноати объектлари,

нефть-газ ва кимё саноатида ишлатиладиган асосий ҳамда ёрдамчи ускуналарни таъмирлайди, қурилиш материалларини ишлаб чиқаради.

Корхона томонидан Ўзбекистон бозоридagi 12 йиллик фаолияти давомида иссиқлик ўтказмайдиган буюмлар, ўт ва кислотага чидамли гишт ишлаб чиқарилган иккита завод, шунингдек, профиланган лист ва локбўёқ маҳсулотлари тайёрлайдиган участкалар ишга туширилди.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимиз

ва унинг ташқарисида энергетика, газ-кимё саноати ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида кенг қўлланилаётгани уларнинг нечоғли ишончли ҳамда юқори сифатли эканидан далolat беради.

«Электроизолит» қўшма корхонаси техник директори Сергей Токуновнинг айтишича, деб хабар беради ЎЗА, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида корхонада 2,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида кислотага чидамли ва қоплама гишт ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.


«Электрқишлоққурилиш» очик акциядорлик жамияти эса мамлакатимизда электр линияларини ишлаб чиқариш ва қуриш бўйича етакчи корхоналардан саналади. Корхона 04-500 кВ кучлинига эга электр узатиш линиялари ва турли кучлинидаги кичик станцияларни қуриш билан шугулланади.

Компаниядан маълум қилишларича, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 23 март-

да қабул қилинган «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, қиймати 141,1 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ўши суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар ошган. 2010 йилнинг ўтган уч чораги мобайнида бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ўтган йилга қараганда 10 фоиз ўсган. Бундан ташқари, уч турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Мамлакатимиз корхоналарининг ISO 9001:2009 халқаро сифат стандартлари сертификатига эга бўлгани улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар барча талабларга мос келишидан ва жаҳон бозорларида рақобатбардошлигидан далolat беради.

Меҳрибон МАМЕТОВА



**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида экология соҳасида самарали ишлар амалга оширилди.**

**Шуни айтиш керакки, Тошкент экологик нуқтаи назардан мураккаб экотизимдан иборат. 334 квадрат километрдан зиёд майдонни эгаллаган пойтахтимизда тахминан 2,3 миллион аҳоли истиқомат қилади.**

## ЭКОЛОГИЯГА ЭЪТИБОР САМАРАСИ

**Тошкентнинг экологик ҳолатига бир назар**

Шаҳарнинг экологик осойишталиги ва аҳоли саломатлиги кўп жиҳатдан атроф-муҳит, ҳаво ҳавзаси ҳолати билан боғлиқ. Айни пайтда бу борада ҳаво ифлослантирувчи моддалар билан зарарланиш даражаси санитар-гигиеник меъёрларга жавоб бериши экологик барқарорлик таъминланаётганидан дарақдир.

Тегишли хизматлар томонидан атроф-муҳит, иқлим, тупроқ, сув иншоотлари ҳолати, санонат, автотранспорт, бошқа йўналишлар бўйича доимий таҳлиллар ўтказиб борилади.

Маълумки, кейинги йилларда пойтахтимиз кўчалари кенгайтирилди, кўлаб йўл ўтказгичлари, кўприклар барпо этилди. Бу борада шаҳар ичида Кичик ҳалқа йўли қурилгани, шубҳасиз, алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўз навбатида, жамоат транспорти янгиланиб, экологик жиҳатдан тоза ёнилғига ўтказилгани ҳам кейинги ўн беш йил ичида транспорт воситаларидан чиқадиган зарарли моддалар ҳажмининг 25 фоизга қисқаришига асос бўлди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида автомобиль транспорти 1,8 маротабага кўпайган бўлсада, аввалги йилларга нисбатан битта автомобилдан атрофга тарқалаётган зарарли моддалар микдори 2,5 бараварга қисқарди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий технологияларнинг жорий этилиши, чиқиндиларни қайта ишлаш борасида янги усуллардан кенг фойдаланиш натижасида санонат корхоналари томонидан очик сув ҳавзаларига чиқиндилар ташлаш даражаси ҳам 1991 йилга нисбатан уч маротабага қисқарди. Бу эса ҳаво ифлосланиш даражаси Пекин, Токио, Чикаго каби йирик шаҳарларга нисбатан анча паст ҳисобланади.

Дарҳақиқат, атроф-муҳит барқарорлиги таъминланишида санонат чиқиндилари қисқариши муҳим аҳамиятга эга. 1991 йилгача очик сув ҳавзаларига корхоналарнинг 70 фоизи тозаланмаган оқова суви чиқарган бўлса, кейинги йилларда амалга оширилган мажмуавий сайёҳаракатлар боис ушбу кўрсаткич ҳозирда 2,5 фоизни ташкил қилмоқда.

Ўз навбатида, Чирчиқ дарёси, Салор, Қорасув, Бўзсув каналлари, Қорақамиш коллекто-

ри бўйича сув сифати ҳам бир неча баробарга яхшиланишига эришилди.

Шубҳасиз, экологик мувозанат кўп жиҳатдан кўкаламзорлаштириш билан ҳам боғлиқ. Авваламбор ўсимликлар ҳавони тозалайди, атмосферага ифлослантирувчи моддалар тарқалишига йўл қўймайди, намлик босимини таъминлаб, қуруқликни пасайтиради. Катта яшил мавзеларда ҳаво ҳарорати яшил ўсимликлар қуршовида очик майдонларга нисбатан 3-4 даража фарқ қилади. Бир гектар кўкаламзорлаштирилган майдон йилга 54 тонна чангни тўсади. Тўзлақ яшил майдонларда эса чангдан мутлак тозалашга эришиш мумкин, бунда ҳавонинг умуман ифлосланиш даражаси 40-45 фоизга пасаяди.

Тошкент шаҳрининг яшил майдони бугунги кунда 15,2 минг гектарни ташкил этади, бу эса пойтахт ҳудудининг 30 фоизига тенг. Аҳоли жон бошига кўкаламзор майдоннинг 69 квадрат метри тўғри келади (меъёр ўртача 50 квадрат метр ҳисобланади). Ўтган деярли йигирма йил ичида бу кўрсаткич 21,5 квадрат метрга ошган. Ҳар йили 400 минг дарахт, 2,5 миллион бута экилади.

Биохимилхилликни сақлаш ва ривожлантириш мақсадида шаҳримизда айниқса игна баргли ўсимликлар, каштан, липа, қайин, лола дарахти, йирик баргли магнолия, япон сафораси кўп ўстирилмоқда.

Кейинги ўн йил ичида пойтахтимизда 248 гектар майдонда бир нечта янги боғлар барпо этилди, 7,5 гектар асфальт қопламидаги ҳудуд гулзорларга айлантирилди.

Бугунги кунда шаҳримизнинг яшил майдони Санкт-Петербург, Пекин, Москва, Сизл шаҳарларига нисбатан икки-уч маротаба каттадир. Гидрометеорология хизматида олинган сўнгги маълумотларга кўра, шаҳар қамровидаги ҳаво ҳавзасининг ҳолати белгиланган меъёр даражасига тўғри келади. Бу эса, таъкидланганидек, экологик барқарорлик таъминланаётганидан далолатдир.

**Мақола Тошкент шаҳар Табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди**

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қадриятларимиз, тарихий обидалар тикланиши баробарида тарихий асосга эга бўлмаган кўлаб жой номлари ҳам ўзгартирилди. Бугунги кунда ҳам ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом этмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, янги ва ўзгартирилаётган номларнинг аксарияти узоқни кўзлаган ҳолда айнан тарихий ном ва атамаларга асосланиб қўйилмоқда.**

### Мулоҳаза

## ТАРИХИЙ НОМЛАР — ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ

«Олмазор» атамаси шаҳримиз аҳолиси, айниқса катта авлод вакилларига яхши маълум. «Олмазор» номи билан қадимда Тошкентнинг тўрт даҳасидан бири аталган.

Олмазор даҳаси XVIII аср бошларида шаклланиб ва шаҳарнинг шимолий қисмини эгаллаган. Чегараси ғарбдан Сағбон ва Қорасарой кўчасининг оралиғидан (ҳозирги Зарқайнар кўчасининг ғарбидан), жанубдан Жангоб ариғидан ўтган. Тошкентнинг Лабзак, Тахтапул, Қорасарой дарвозалари, шунингдек Эскижўва бозорининг катта қисми унинг таркибига бўлган. Айни пайтда эса бу ҳудуд асосан Собир Раҳимов тумани қамровига киради.

Олмазор даҳаси ҳунармандлари, айниқса қосиблари билан шўҳрат қозонган. Уларнинг маҳсулотлари Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларига ҳам тарқалган. Аҳоли шунингдек ип-газлама тўқиш ва читга гул босиш билан машғул бўлган. Тахтапул, Чувалачи, Қорасарой, Себзор ва Қозикўча маҳалла ва мавзелари аҳолиси галла етиштирган.

Шаҳарнинг шимолий ва шарқ томондаги мавзелари (Алвастикўприк, Ҳасанбой, Кўктерак, Бойқўрғон, Болтамозор, Гуручарик)да олмазорликларнинг дала ҳовиллари, боғлари бўлган. Тошкентда узоқ вақт истиқомат қилган машҳур адиб Восифийнинг (1485-1551 ёки 1566) «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») асарида Олмазор даҳасидаги Қайковус чорбоғи ҳақида қизиқарли воқеалар баён қилинган. Шоир Тошкентни боғ-роғларга тўла жаннатмакон юрт дея, «мушкин хид таралар олмаларида» деган сатрларида боғ-роғлари, ҳавоси, зилол сувларини мадҳ этган.

XIX асрда ёзилган Мухаммад Солихўжа Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Олмазор даҳаси тўғрисида атрофлича маълумотлар келтирилган, ҳудуд қамровида 79 маҳалла ва 65 мавзе бўлганлиги қайд этилган. Даҳанинг энг эътиборли жойларидан бири Хастимом деб аталувчи Кафол аш-Шоий мемориал мажмуасидир.

Бундан ташқари, ўтган асрда нашр этилган «Қадимий ва бугунги Тошкент», «Тошкент маҳалла ва мавзелари» китобларида, Тошкент шаҳрига бағишланган бошқа қатор тарихий манбаларда Олмазор даҳаси тўғрисида қимматли маълумотлар берилган.

Этнограф олимлар, кенг жамоатчилик тақлиф ва мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирги Собир Раҳимов тумани ҳудудини унинг ҳақиқий тарихий Олмазор атамасига ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу миллий қадриятларимизга ҳам, тарихийлик тамойилларига ҳам мос келади, деб ўйлаймиз.

**Абдулазиз МУҲАММАДҚАРИМОВ, «Олтн мерос» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси**

## СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

**Соғлиқ инсон учун катта бойлик ҳисобланади. Жамиятнинг кичик бир бўлаги бўлмиш оилада соғлом турмуш тарзига эришиш эса биринчи галда оила аъзоларига боғлиқдир.**

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофазаси қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида бизнинг туманда ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилди.

Аҳоли ўртасида репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида маҳсул жамоатчилик кенгаши фаолият юритмоқда.

Шу асосида маҳаллаларда тиббиёт ходимлари билан биргаликда туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар мониторинги ўтказилиб, уларни кўриқдан ўтказиш ва саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилаётган. Оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу кунгача 79 мингдан зиёд туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштириш муолажалари ўтказилди. Олиб борилаётган сайёҳаракатлар айниқса, тумандаги «Хиёбонтёпа» ва «Мингўрик» маҳаллаларида ўз самарасини бермоқда.

Олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда мунтазам равишда мавзуга оид мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, турли кўрик-танловлар ўтказиб келинади. Оилавий поликлиникалар, мактаб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, корхона-ташкilotлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

49-оилавий поликлиника ташаббускорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, мазкур муассаса фаолигида 274-мактабда, «Отчопар-1», «Отчопар-2», «Оқтепа» маҳаллалари аҳолиси учун оилалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишлаб брифинг ўтказилди.

«Оқтепа» маҳалласи ҳудудида жойлашган поликлиника филиалида кенг тармоқли тиббий кўрик ташкил этилиб, 180 га яқин ўсмир қизлар кўриқдан ўтказилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида мактаб, касб-хунар коллежи, академик лицей ўқувчилари ҳамда уй бекалари ўртасида «Соғлом оила — жамият пойдевори» мавзусида кўрик-танлов ўтказилиши ҳам аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Бу борада аҳоли ўртасида мунтазам семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил этилди. Аммо айтиш жоизки, «Соғлом оила — соғлом бола» ҳаракат дастурини ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида қилинадиган ишларнинг талайгина. Уларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш бурчимиз эканлигини унутмайлик.

**Ёқут РАҲАБОВА, Юнусобод тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси**

## ТИЛ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Ҳамза туманидаги 61-мактабда «Хорижий тил ўқитилиши самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Тадбирда мактабларда рус ва чет тилларини ўргатиш учун яратилган шароит, янги ўқув ва услубий қўлланмалар, ўқувчиларни тўғра рақларга жалб этиш борасидаги амалий ишлар муҳофазаси қилинди. Шунингдек, дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни эркинлаштирувчи воситалар ишлаб чиқиш, хорижий тилларни ўқитишда интерфаол ўйинларнинг аҳамияти борасида маълумотлар берилди.

— Мактабларда таълим узлуксизлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, таълимни янги сифат босқичига кўтаришга қаратилган турли семинарлар ўтказилмоқда, — дейди «Туркистон-пресс» мухбирига Халқ таълими бош бошқармаси услубчиси Саидқаҳҳор Саидкамоллов. — Иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, хорижий тилларни пухта ўргатиш, ҳар томонлама етук шахсни воёга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Асосий мақсад эса таълим жараёнига, ҳусусан хорижий тиллар йўналишидаги фанларга илғор педагогик, ахборот ва инновацион технологияларни жорий этиш, «устоз-шоғирд» тизимини омалаштиришдан иборат.

Анжуман доирасида шўба ййгилишлари ҳам ўтказилди.

**Азима ҚИЁСОВА**



### Таълим муассасаларида

## САНЪАТГА ОШНО ЁШЛАР МАСКАНИ

**Мамлакатимизда ёшларнинг қизиққан соҳаси бўйича таълим олиши, хунар ўрганиши учун барча шароитлар яратилаётганлиги, замон талабларига мос жиҳозланган таълим масканларида таҳсил олаётганлиги барчамизни қувонтиради.**

Республика дизайн коллежида ёшларга таърибли устозлар санъат сирларини ўргатмоқда.

— Бу маскан ўғил-қизларимизга билим эгаллаб, бадий хунар эгаси бўлиши учун ойдин йўлдир, — дейди коллеж директори Шоносир Муродов. — Коллежда лойиҳаловчи дизайнер, реклама ва дизайн, интерьер ва жиҳозлаш, мебелларни лойиҳалаштириш, бадий компьютер графикаси, кулолчилик, бадий миллий либосларни лойиҳалаш, ганч, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Синф хоналари, устахоналар, спорт мажмуаси доммо ўқувчилар билан гавжум. Ўқувчилар учун 50 ўринга мўлжалланган турар жой ҳам бор.

Шуни айтиш жоизки, коллежга тасвирий амалий санъат йўналиши бўйича ўқувчилар қабул қилинади. Ҳозирги кунда 850 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган катта эътибор натижасида ўғил-қизлар халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, ўтган йили республика кўрик-танловида Р.Содиқов ва Р.Болтаева кумуш медал ва диплом билан тақдирланган. Ёш рассомлар танловида эса беш нафар ўқувчи голибликни қўлга киритган. Жорий йилда Тасвирий санъат ҳафталигида М.Пўлатова олтин медалга, Н.Мир-

фаёзов ва Р.Болтаева — кумуш, Г.Рўзметова — бронза медалларига сазовор бўлишди.

— Айни шу коллежда таҳсил олаётганимдан хурсандман, — дейди Манзура Пўлатова. — Ёшлигимдан тасвирий санъатга қизиқаман. Бу ерда таърибали ўқитувчиларимиздан кўп нарсаларни, айниқса рассомчилик сирларини пухта ўрганишга ҳаракат қилишман. Турли танлов ва кўргазмаларда ўз ижод намуналарим билан иштирок этаёпман. Жозибадор санъат асарларини яратиш, Ўзбекистонимизнинг бетақорор гўзаллигини, кўркамлигини, қалби дарё, бағрикенг, меҳнаткаш инсонларини, оташқалб ёшларни нафис рангбўёқларда акс эттириш ниятидаман.

Дарҳақиқат, Манзура сингари иқтидорли ёшлар сафи ортиб бормоқда. Ўқувчилар ушбу билим масканида уч йил давомида билим ва хунар эгаллаб, танлаган соҳаси бўйича малакали мутахассис бўлиб етишади. Иқтидорли ўғил-қизлар ўқув жараёнида иншоотлар ва биноларни безаш ҳамда таъмирлаш ишларида бевосита иштирок этади.

Шуниси эътиборлики, мазкур таълим маскани Германия, Япония, Туркия ва Жанубий Корея мамлакатлари билан маданий алоқалар ўрнатган. Келгусида ҳамкорлик ришталарини янада кенгайтириш кўзда тутилган.

**Дилором ИКРОМОВА, Алексей Попов олган сурат**

**Спорт янгиликлари**

**ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ЯРИМ ФИНАЛДА**

**«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар футбол бўйича ўсмирлар ўртасида давом этаётган Осиё чемпионати чорак финалининг Ўзбекистон-Сурия терма жамоалари ўртасидаги баҳсга гувоҳ бўлишди.**

Учрашув тафсилотига тўхталишдан аввал, шунингдек, бундан икки йил олдин ҳам Тошкентда ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати мусобақалари уюштирилган, лекин унда иштирок этган вакилларимиздан омад юз ўйрган эди. Бу сафар эса Ўзбекистон футбол федерацияси ўсмирларимизнинг қитъа биринчилигида зафар қўчиши учун барча шароитларни яратиб берди. Бир неча марта ўқув-йиғин машғулоти, назорат-ўртоклик учрашувлари уюштирилди. Бош мураббий Алексей Евстафеев ҳам 16 ёшгача бўлган ёш чарм тўп усталарини обдон синовдан ўтказди ва энг кучли таркибни жамлай олди. Шу боис ҳам ушбу саъй-ҳаракатлар самара бериб, ёш футболчиларимиз хозирги қитъа биринчилигидаги дадил оидимларини ташлашмоқда.

Ярим финал йўлланмаси учун майдонга тушган ҳамюртларимиз ўйин ботида суриялик тенгқурларига ҳеч қандай имконият қолдирмасликка интилишди. Имкон қадар ҳимоя чизигида ҳам, майдон марказида ҳам тўп билан эркин ҳаракат қилишди. Кувонарли жиҳати шундаки, майдон маркази асосан ёш футболчиларимиз назоратида бўлди. Натижада ярим ҳимоячиларимиз ҳужумчиларни тўп билан таъминлашнинг, рақиб дарвозаси томон қўп марта хавфли ҳужумлар уюштиришнинг имконини топишди. Бу, табиийки, ўз самарасини берди. 36-дақиқада жамоамиз сардори Сардор Махситалиев жамоадорлари бошлаган ҳужумни самарали яқунлади. У Абдуллаев томонидан узатишган тўпни дарвозага боши билан қўйилмақом тарзда жойлаб қўйди (1:0). Иккинчи бўлимда сурияликлар ҳам бироз жонлангандек бўлди. Энди араб-

лар ҳам тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этиб, жамоамиз дарвозабони ва ҳимоячиларини ҳушёрликка чорлай бош-

қолдира олди ва иккинчи голни киритди. Уйиннинг қолган дақиқалари ҳам ҳужумларга бой кечган бўлсада, 2:1



лашди. Кескин ва шиддатли курашларга бой кечаётган учрашунинг 62-дақиқасида Мухаммад Умар аниқ зарба билан ўзбекистонликлар дарвозасига жавоб тўпини йўллашга муваффақ бўлди. Ушбу ўтказиб юборилган тўпдан сўнг яна ҳужумкорликка зўр берган ҳамюртларимиз рақиб дарвозасига хавфли ҳужумларни тез-тез уюштири бошлашди. Учрашунинг асосий вақти яқулла-нишига етти дақиқа қолганда, маҳоратли ҳужумчи Темураҳимов кучли зарба билан рақиб дарвозабонини доғда

ҳисоби ўзгармади ва ёш футболчиларимиз ярим финал йўлланмасини кўлга киритишди.

— Осиё чемпионатида зафар қўчишни ўз олдимишга мақсад қилганимиз, — деди учрашувдан сўнг терма жамоамиз сардори Сардор Махситалиев. — Мухлисларимиз ишончини оқлашга, чиройли ўйинлар билан улар кўнглини хушунд эттишга ҳаракат қиламиз. Очиғини айтганда, финал йўлланмаси учун кураш анча оғир кечиши аниқ. Чунки ярим финалда иштирок этаётган бошқа терма

жамоалар кучли футболчиларга эга. Лекин биз қозонган ғалаба ҳамда келгуси йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионати йўлланмаси барча жамоадорларим руҳини кўтариб юборди.

— Ўзбекистон терма жамоаси ҳам жисмонан, ҳам руҳан кучли экан, — деди Сурия терма жамоаси футболчиси Мухаммад Умар. — Биз ўзбекистонликларга муносиб қаршилик кўрсатдик. Баъзи ҳолларда биздан омад ҳам юз ўйирди. Начора, футболда кимдир ғалаба қозонади, кимдир мағлуб бўлади. Бироқ мен ва жамоадорларим Тошкент сафаридан жуда маннунимиз. Чунки чемпионат ташкилотчилари бизга барча шароитларни муҳайё қилишди. Нуфузли турнир довомида Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини ҳам томоша қилишга улгурдик. Менда пойтахтингиз жуда илиқ таассурот қолдириди. Тошкентга яна келишни истайман.

Шунингдек, Шимолий Корея — Иордания терма жамоалари ўртасида кечган чорак финал беллашуви, мухлислар кутганидек, тенг курашлар остида ўтмади. Иорданияликлар ҳам гуруҳ баҳсларида сермазмун ўйин намойиш эта олишганди. Шимолий корейлик ёш чарм тўп усталари ўйин мобайнида иорданияликлардан ҳар томонлама устун эканликларини намойиш этишди ва рақибларини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Дарвозага йўлланган тўртта голнинг учтасига маҳоратли футболчи Жо Кван муаллифлик қилиб, «Хет-трик»ка эришгани таҳсинга сазовор.

Қолган чорак финал баҳслари куйидагича яқунланди: Австралия — БАА — 3:1, Ироқ — Япония — 1:3.

Шундай қилиб, эртага, 4 ноябрь кuni ўтказиладиган ярим финал баҳсларида Ўзбекистон — Австралия, Шимолий Корея — Япония терма жамоалари куч синашади.

Эслатиб ўтамай, ушбу терма жамоалар келгуси йилда ўсмирлар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатида қитъамиз шарафини ҳимоя қилади.

Хулоса ўрнида ёш футболчиларимизга ярим финалда ҳам зафар ёр бўлишини тилаймиз.

**Ақбар Йўлдошев**



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

**ЖАННАТИЙ ОНА**

Онанинг шунча чеккан машаққатларига Ёдгор онани ҳурмат қиладиган мўмин-қобил бўлиб ўсибди. Ёдгор отасидан қолган ер ва боғда меҳнат қилар экан. Ҳалол меҳнати учун унинг ризқи мўл қилиб берилибди. У қундан-қунга бойиб бораверибди. Ёдгор бой бўлганда ҳам, олдинги камтаринлик, меҳнатсеварлик, саховатлилик фазилатларини тарк этмабди.

**Ҳақиқий чин инсон**

**камтар бўлади,**

**Барчага қилади меҳрини ато.**

**Авалло онанинг ҳақ - ҳуқуқини, Жойига қўяди шаксиз бехато.**

Ёдгорнинг бундай ҳолатини кўролмаган душманлари уни ўлдириш пайига тушиб қолибдилар. Ўзаро маслаҳатлашиб, Ёдгорни уйқуда ўлдиришни маъқул кўрибдилар. Ўша тонгда онаизорнинг тушида ғойибдан бир хабар келибди.

— Эй, она, сенинг ёлғиз фарзандингни душманлар бу кеча ўлдиromoқчи, огоҳ бўл!

Она чўчиб, уйғониб кетибди. Қараса, бомдод вақти бўлиб қолибди. Кечга бориб, ўғил дала ишидан қайтибди, она-бола бирга овқатланибдилар. Овқатдан сўнг она ўғлига:

— Болам, бугун сен уйга кириб ётақол, мен ҳовлида ётаман. Эрталаб ўзим уйғотаман, — дебди.

Ўғил онанинг гапини икки қилмай, уйга кириб ётибди. Она супага жой солиб, ҳовлида ётибди.

Ярим тунда душманлар девордан ошиб тушиб, супа ёнига келиб қарабди. Супадаги одам ўғил эканига ишонч ҳосил қилиб, қўлидаги пичоқни унинг бир неча жойига санчиб, қочишибди.

Ўғил эрталаб кўзини очиб қараса, кўёш анча кўтарилиб қолган экан.

— Ия, онам ухлаб қолибдиларми, алламаҳал бўлиб қолибди-ку, — деб ҳайрон бўлиб, ҳовлига чиқибди. Қараса, супада онаси ҳамон ётган эмиш. «Онамнинг шу пайтгача ухлаб ётадиган одатлари йўқ эди-ку, тинчликми?» деб, супа томон югуриб қараса-ки, она қора қонга беланиб ётарди...

**Она фарзанд учун**

**жонни беради,**

**Керак бўлса агар қонни беради.**

**Очликдан ўлса ҳам**

**ўзи емасдан,**

**Болага оши ила нонни беради.**

(Давоми бор)

**Мавжуда РАЗЗОҚОВА**

Тошкент шаҳар ОИТСа қарши кураш марказига Ҳамза тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2009 йил 18 февралда берилган реестр рақами 001823-07, тартиб рақами 000352 бўлган, «юридик шахсни давлат рўйхатига ўтказиш тўғрисида»ги гувоҳнома йўқолганлиги муносабати билан

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Унда мамлакатимизнинг икки етакчи жамоалари — «Пахтакор» ва «Бунёдкор» ўзаро куч синашишди. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш жоизки, гарчи «Бунёдкор» ҳам, «Пахтакор» ҳам чемпионат яқунланмасидан аввал биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашган, шу боис гўё баҳснинг натижаси ҳеч қандай аҳамият касб этмасида, доим бу икки жамоа ўйини мurosасиз кечган. Бу сафар ҳам стадионга йиғилган ҳар икки жамоанинг минглаб мухлислари «Тошкент дерби»си деб ном олган аjoyиб учрашунинг гувоҳи бўлишди.

Биринчи бўлим асосан пахтакорчиларнинг тўпик устунлигида ўтди. Равшан Ҳайдаров шогирдлари меҳмонлар дарвозаси томон қўп марта хавфли ҳужумлар уюштиришди. Гейнрих, Миладинович,

**Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган сўнгги, 26-тур беллашувлари «Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтди.**

**АНЪАНА ДАВОМ ЭТДИ**

Аҳмедовлар узок масофадан дарвозабон Нестеров маҳоратини синовдан ўтказишди. «Бунёдкор» ва Ўзбекистон терма жамоасининг моҳир дарвозабони Игнатий Нестеров бир неча марта ўз командасини муқаррар голлардан асраб қолди.

Иккинчи бўлимда жамоалар анча эҳтиёткор ҳаракат қилди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу жамоалар ўртасидаги чемпионат баҳсларида «Пахтакор» стадионида фақат дуранг натижа қайд этилган. Бу сафар

**Йўлчи ФАНИЕВ**

**ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ**

**Ўзбекистонлик Нателла Набиева, Сабина Шарипова ҳамда Окгул Омонмуродова Халқаро теннис федерацияси (ИТФ) томонидан АҚШ, Малайзия ва Франциядаги нуфузли халқаро теннис турнирларида ғолиблик учун куч синашмоқда.**

Истеъдодли теннисчимиз Нателла Набиева, деб хабар беради Ўза, АҚШнинг Атланта шаҳрида ўсмирлар ўртасидаги халқаро теннис турнирининг яққалик беллашувларида мезбонлар вакиласи Сидней Вестни 6:4, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўл олди.

Жуфтлик беллашувларида америкалик Стефани Наута билан ҳамкорликда учинчи рақамли дуэтни ташкил қилган 15 ёшли Нателла дастлабки босқичда АҚШ теннисчилари — Жоси Кулман ва Катрин Изабел Стеффенсендан 6:3, 5:7, 11:9 ҳисобида устун келди.

Малайзиянинг Кучинг шаҳрида хотин-қизлар ўртасидаги халқаро турнирининг жуфтлик беллашувларида Сабина Шарипова индонезиялик Санди Гумуля билан бирга япониялик Йоко

Наито ва германиялик Жессика Сабешинская дуэтини 6:3, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди ва ярим финалга чиқди. Яққалик беллашувларида биринчи рақамда сараланган С.Шарипова мусобақага иккинчи босқичдан қўшилиди ва биринчи учрашувини ҳиндистонлик Совжана Бависеттига қарши ўтказди.

Дунёнинг кучли спортчилари иштирок этаётган Франциядаги хотин-қизлар теннис турнирининг жуфтликлар мусобақасида Окгул Омонмуродова германиялик Кристина Барриоис билан ҳамкорликда франциялик Стефани Алоро ва тунислик София Сфарни 6:2, 7:5 ҳисобида енгди. Окгул яққаликлар ўртасидаги биринчи учрашувини мезбон теннисчи Клэр Фурштейнга қарши ўтказди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

**Семинарлар**

**ПРОФИЛАКТИКАГА МУҲИМ ЭЪТИБОР**

**Тошкент метрополитен бошқармасида транспорт воситаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, йўловчиларга сифатли ва хавфсиз хизмат кўрсатиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, «Тошшаҳарйўловчиган» уюшмаси вакиллари қатнашган тадбирда содир бўлаётган ёнғинларнинг асосий қисми транспорт воситалари билан боғлиқлиги таъкидланди. Айтиб ўтилганидек, ёнғин чиқишига транспортлардаги жиҳозларнинг носозлиги, ёнғинли узатувчи тармоқларда нуқсонлар мавжудлиги асосий омил бўлаётди.

Тадбирда метрополитенда фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш учун ишчи-ҳодимлар иштирокида мунтазам ўқув машғулоти олиб борилаётгани, кўргазмали семинарлар ташкил этилаётгани хусусида гапириб ўтилди.

— Барча автокорхоналарда газ ёнғинли билан ҳаракатланадиган автоуловларни сақлаш ва таъмирлаш ишлари қатъий назоратга олинган, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ бўлим бошлиғи Баҳодир Тўхтаев. — Махсус тадбирларда 1763 та автобуслар, 803 та микроавтобуслар ва 853 та энгил автоуловлар текширилиб, ўзбошимчалик билан конструкцияларга ўзгариш киритган, носоз газ баллонларидан фойдаланган, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланмаган транспорт воситалари эгаларига тегишли чоралар кўрилди.

**Наргиза АСАДОВА**

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига такроран Яққасарой тумани СИБ томонидан, ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 11.12.2008 йилдаги №2-70, 2907 ижро ҳужжатларига асосан УҚ «Газчитранс» корхонасида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари куйилмоқда:** 1. «VOLVO FH 12» русумли, д/р 18S0002 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 30 160 684,8 сўм ва унинг «Trailors 383FL1A» русумли, д/р 18C210 бўлган, 1991 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 26 340 719,4 сўм. 2. «VOLVO FH 12» русумли, д/р 18H0471 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 502 525,7 сўм ва унинг «Fruehauf» русумли, д/р 18C320 (101220) бўлган, 1991 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 26 212 870,8 сўм. 3. «Fruehauf» русумли, д/р 10G059 бўлган, 1990 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 24 854 573,7 сўм. 4. «Камаз 5320» русумли, д/р 18AE862 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 914 207 сўм. 5. «Камаз 53212» русумли, д/р ва и/ч номаълум бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 317 598,5 сўм. 6. «Камаз 53212» русумли, д/р 18S7789 бўлган, 1985 йилда и/ч, «Шарқли мелиса» МЧЖга қарашли (Мўйноқ) жарима майдончасида сақланаётган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 402 375,7 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 23 ноябрь кuni соат 11.00да бўлиб ўтади.** Савдога куйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz).



**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*  
**Нашр кўрсаткичи — 563**  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2612 нусхада босилади. Кўча бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.